**Қадрият — ўзликни англаш**

# «ҚОЗОН ТЎЛДИ» УДУМИ

**Қозонлар тўлиши — бу мўл ҳосил тимсоли, тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик, қут-барака белгиси. Наврўз ана шундай қозонлар тўладиган, яъни қут-барака тантана қиладиган умумхалқ байрамидир. Наврўзда қозон-қозон сумалаклар қайнаши — келаётган йилнинг тўкин-сочинлиги, далалар серҳосиллиги, мамлакатимиздаги сўлим боғлар саховатидан нишонадир.**

Халқимизнинг қадимий анъанасига кўра, Наврўз байрами ҳут ойининг охирги кечаси 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси оила даврасида ўтказиладиган **«Қозон тўлди»** удуми билан бошланган. «Қозон тўлди» соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир хонадон аҳли ўз имкониятига яраша тансиқ таомлар (кўпинча, палов), кўк сомса, бўғирсоқ тайёрлайдилар. Шунингдек, ўтган аждодлар ҳақига «ис» чиқарилади. Ана шу «ис» ёғи билан қўшга қўшиладиган ҳўкизларнинг шохлари мойланган. «Қозон тўлди» оқшомида тайёрланган таомлар ва пишириқлар қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга ҳам улашилган. Йил баракали келсин, рўзғоримиздан қут аримасин деган эзгу ниятда ҳамма идишлар сувга тўлдириб қўйилган. Шу оқшомда кечаси билан кўпчилик бўлиб сумалак ва ҳалим пиширилган. Бу таомларнинг қозони эртасига очилган.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жиғачи қишлоғида Наврўз арафасида ўрик туршагини қайнатилган сувда ивитиб, махсус шарбат тайёрланади. «Қозон тўлди» оқшомида ҳар бир хонадон дастурхонини ўрик туршагининг шарбати, бўғирсоқ ва кўк сомса безатиб турса, келаётган янги йилнинг ҳосили мўл бўлади, деб умид қиладилар.

Илгарилари уйларнинг тахта поли бўлмаган, лойсувоқ қилиб қўйилган полда сандал учун махсус чуқурча қолдирилган. Қиш бўйи ана шу чуқурчани чўққа тўлдириб, сандал атрофида ўтирганлар. «Қозон тўлди» куни ана шу сандаллар олиниб, чўғ солинадиган чуқурчани кўмишдан аввал унга озгина ўрик шарбати қуйганлар. Серҳосиллик ғояси билан боғланиб кетадиган бу одатнинг замирида ҳам эзгу тилаклар мужассамлашган. Одамлар «қишдан қутулиб, кўкламга етишдик, илоҳим тўрт мучамиз бутун бўлсин, бу йил ҳам боғларимиз мевага мўл бўлсин, экинимизга Бободеҳқон назар қилсин», — деб ўрик шарбатини навбатма-навбат ичишган.

«Қозон тўлди» деҳқонлар учун масъулиятли давр — экиш мавсуми бошланганидан дарак берувчи удум ҳисобланган. Йилбоши арафасида миришкор деҳқонлар қўшга қўшиладиган ҳўкизларини тайёрлаб, омочу бўйинтуруқларни созлаганлар. Уруғликка олиб қўйилган дон-дунларни саралашган. Экиш мавсумининг бошланиш муддати ва халқ тақвими сирларини яхши биладиган тажрибали ҳисобдонлар кузда майин шудгор қилиб, экишга шайлаб қўйилган далаларни айланиб, кўпчиб турган тупроқдан бир сиқим олиб кўришган. Бу билан ернинг етилганлигини аниқлаганлар. Кўп йиллик бой ҳаётий тажрибага эга бўлган деҳқонлар Наврўз арафасида етти тахтача устига буғдой, арпа, тариқ, шоли, жўхори, жавдар, мош каби донли экинлар уруғини ёйиб қўйиб, ҳар куни сув сепиб турганлар. Наврўз арафасида, яъни «Қозон тўлди» куни ана шу донларнинг унишига қараб келаётган меҳнат мавсумида қайси экиндан олинажак ҳосил мўл бўлиши мумкинлигини чамалашган: қайси дон бўлиқ ва бехато кўкарса, ўша экиннинг ҳосили баракали бўлади, яккам-дуккам унган майса эса камҳосиллик аломати деб қаралган.

Қиш бўйи даласини соғиниб, кўклам келишини орзиқиб кутган боғбонлар ҳам боғ оралаб, оппоқ гуллаган ўрик шохларига мамнун бўлиб боқар экан, янги меҳнат мавсумининг ҳосилини чамалайди. Турфа мевали дарахтларнинг кўчатларини экиб, янги боғлар барпо этишга киришади. Оқсоқоллар бўлса йигит-ялангларни тўплаб, ариқ-зовурларни тозалашга бош-қош бўладилар.

«Қозон тўлди» куни уй бекаларининг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Ҳар йилги одатларига кўра, «уй кўтарадилар». Яъни уйдаги гилам-палосларни, кўрпа-тўшакларни ташқарига чиқариб, ёядилар. Ҳаммаёқни супуриб-сидирадилар, эски-туски кераксиз рўзғор анжомлари чиқариб ташланади.

Наврўз арафасида «қозон тўлди» қилиш анъанаси аждодларимизнинг ҳосилдорлик ва қут-барака билан алоқадор қадимий эътиқодий қарашларини ўзида мужассамлаштирган. Тарихчиларнинг маълумот беришларича, қадимги аждодларимиз томонидан мўътабарлаштирилган катта қозонлар муқаддас ҳисобланган. Чунки оммавий маросимлар чоғида таом тайёрланган бундай қозонлар эл-юртни бирлаштирадиган, ўзаро ҳамжиҳатликка, бирдамлик ва фаровонликка хизмат қилади деб билганлар.

Бизнингча, **«Қозон тўлди»** удумининг тарихий асослари аждодлар руҳига топиниш анъанаси ҳамда эзгуликни улуғлаш билан боғлиқ қадимий тасаввурлар асосида келиб чиққан **Хамаспатмаэда** маросимига бориб тақалади.

Аждодларимиз Наврўз арафасида ўтказган **Хамаспатмаэда** маросимида ҳам барака ва серҳосиллик тимсоли саналган катта қозонларда эзгу илоҳа Аша шарафига қурбонлик таомларини тайёрлашган. Бу маросим орқали улар келаётган янги йил баракали бўлишини, далалар серҳосиллигини, замин қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлардан фориғ бўлишини, эл-юртда хотиржамлик ҳукм суришини ният қилишган.

Деҳқончилик билан шуғулланган қадимги аждодларимиз йилбоши байрами нишонланадиган баҳорий тенгкунлик арафасида, яъни ўтаётган йилнинг охирги кунида **Хамаспатмаэда** номли маросимни ўтказганлар. Ахура Мазданинг эзгу ўгитларига содиқ бўлиб яшаган кишилар шарафига бағишлаб ўтказилган бу маросимда ҳақиқат ва саодат тимсоли Ашани улуғлаган ҳақгўй кишиларнинг руҳи — фравашилар ёдга олинган. «Авесто»нинг аждодлар руҳига бағишланган «Фравардин яшт» номли ўн учинчи алқовининг 49-бандида оламдан ўтган солиҳ кишиларнинг руҳи йилбоши арафасида ўз уйига келиши ҳақидаги мифик қарашлар шундай ифодаланган.

Бизгача етиб келган қадимий афсоналардан бирида айтилишича, скифларнинг улкан муқаддас қозони бўлган. Улуғ муаррих Геродот ўзининг «Тарих» асарида шундай ҳикоя қилади: «Бу баҳайбат мис қозон скиф ҳоқони Ариантнинг фармонига кўра ясалган эмиш. У ўз фуқароларининг сонини билиш мақсадида ҳар ким биттадан камон ўқининг учини олиб келишини буюрибди. Ҳаш-паш дегунча сарой майдонида камон ўқларининг учлари тоғ бўлиб уюлибди. Ҳоқон бу ўқларнинг барини қайтадан эритиб, каттакон қозон ясашни амр этибди. Шу тариқа скиф-сакларнинг афсонавий мис қозони пайдо бўлган экан. Бу қозонни мўътабар билишган ҳамда фақат муқаддас маросимлар чоғидагина унда махсус таомлар пиширишган экан».

Улкан мис қозонлар қадимги саклар учун ҳам муқаддас саналганлиги, тангрилар шарафига бағишлаб ўтказилган қурбонлик маросимларида ана шундай катта қозонларда махсус таомлар пиширилганлиги илмий манбаларда қайд қилинган. Бинобарин, Наврўз байрамини энг зўр шодиёна сифатида тантана қилган саклар ҳам йилбоши куни байрам таоми пишириладиган улкан қозонларни серҳосиллик тимсоли деб билганлар. Бундай қозонларда пишган сумалакдан тановул қилган кишига йил бўйи омад, қут-барака эш бўлади деб билишган. Аждодларимиз баҳорги ва кузги тенгкунлик нишонланадиган байрамларда катта қозонларда қуёш шарафига қурбонлик қилинган от гўштини пиширишган ва бу таомни биргаликда истеъмол қилишган. Бу удум эл-юрт фаровонлиги ва тўкин-сочинлигини таъминлайди деб билишган.

Маълумки, ҳар бир маҳалланинг, қишлоқнинг тўй-ҳашамларда, оммавий сайил-томошаларда таомлар тайёрлайдиган катта қозонлари бўлади. Одамлар ҳар йил кўкламда ана шундай қозонларда сумалак, ҳалим (ҳалиса) ва Наврўзнинг бошқа таомларини пиширишган. Биргаликда тановул қилиш эса ўзига хос анъана бўлиб келган. Чунки Наврўз азалдан умумхалқ байрами, оммавий тантана ҳисобланган. Катта қозонлар ҳамма вақт эмас, алоҳида тантанали маросимларда ишлатилгани учун ҳам азиз саналган. Халқ мўътабар қозонларда муқаддас таомлар пишадиган, яъни **«қозонлар тўладиган»** тантаналарни зўр қувонч билан кутиб олган.

**«Қозон тўлди»** — боболаримизнинг эзгулик ва ҳақиқат илоҳаси Ашадан мўл ҳосил, тансиҳатлик, эл-юрт фаровонлиги, барака тилаш мақсадида ҳар йили Наврўз арафасида жамоанинг муқаддас қозонларида йилбошининг севимли таомларини пишириш анъанаси асосида пайдо бўлган қадимий удумдир.

**Маматқул ЖЎРАЕВ,**
**филология фанлари доктори**



*Айни баҳорнинг илк кунларида барча хонадонларда сумалак пиширишга тараддуд кўрилган. Термиз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Товусхон Жабборова ҳам момолари анъанасини давом эттириб, яхши ният билан хосиятли таом — сумалакни қўшниларига улашди.*

*Суратда: Товусхон Жабборова хонадонида сумалак пишириш пайтидан лавҳа.*

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат**

# КЎМ-КЎК, КЎМ-КЎК, КЎМ-КЎК...

*Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар...*
*Пўлат яғринларни кўтарган ерлар... кўм-кўк..!*

**Ҳамид ОЛИМЖОН**

...Шоир ҳаяжони, шоир ҳайқириғи шу кунларда қулоғим остида гўё бот-бот янграётгандек...

Тонг билан турингу, кўча-кўйни бир айланинг. Қирларга, адирларга кўз ташланг. Паға-паға оқ-кўкиш булутлар сузиб юрган осмон қучоғига тикилинг. Кузги ғалла майсалари барқ уриб ўсаётган далаларга, эрта-индин чигит қадашга тайёр минглаб, миллиардлаб эгатларга боқинг... Боғларга, қирларга назар солинг... Чаман-чаман очилган новдалар...

Атрофда сурувларини яйловларга ҳайдаётган чўпонларнинг қуррей-қуррейи... Ана, тонгни муштоқ кутган болакайлар майдонга чиқиб варракларини учиришга уринаяпти. Кимдир субҳи саҳардан отига қамчи босиб, дупурлатганча қаергадир шошаяпти. Ҳаво бирам тоза, бирам беғубор... Энтикиб кетасан, киши...

Тоғ ортидан коинот бағрига нурдан найзалар қадаб кўтарилиб келаётган Қуёш ҳо-ов-в, этак-этакларда ернинг пўлат яғринлари — ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳаракат қилаётган экинзорларга ҳам зиё соча бошлади. Кўклам офтоби бу!

У билан кўкараётган, яшараётган ва янгиланаётган мамлакатимиз борлиғида Наврўз нафаси уфурмоқда. Сайхонлар-у кенгликларда очилган, очилаётган гуллар ва эндигина ниш ураётган майсалар сизу бизнинг кўнглимизда ҳам очилаётган гуллар, ниш ураётган кўм-кўк майсалардир. Эзгулик гуллари, эзгулик майсалари улар... Бутун юртимизда сингари кўнглимизда ҳам баҳор нафаси, баҳор ҳиссиёти...

## ҚУРМОҚ, ЯРАТМОҚ ИШҚИ

Телефонда **Тошкент шаҳри «Маҳалла» жамғармаси Юнусобод туман бўлимининг раиси Равшан Гулмирзаев:**

— Орасталик — туман бойлик. Ҳозир барча маҳаллаларимизда ҳашарчиларни кутиб ўтирмай иш бошлаб юбордик. Кўчалар, йўлаклар, ариқ ва зовурлар тозаланаяпти. Дарахтларга, манзарали буталарга шакл бераяпмиз, остларини юмшатиб, оқлаб чиқаяпмиз. «Оқтепа», «Боғишамол» маҳаллаларида чиройли гузар биноларини эрта-индин ишга туширамиз. Ош дамланади, сумалак пишади, ҳалим, ҳолвайтар, кўк сомса, ўйин-кулги... Келинглар...

— Ҳашарда қанча одам қатнашади?

— 180 минг нафардан ортиқроқ...

— Ўй-ҳўў, бунча одамга иш етарлими?

— Бўлмасам-чи, 1000 дан ортиқ арча кўчати, 32 минг туп терак, 12 000 дона мевали дарахт, 1000 дан кўпроқ гул ниҳоллари ўтқазмоқчимиз. 120 километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланади. «Халқа йўл»нинг икки томонига тизиб терак экамиз...

## ДАЛАЛАРДА БОШЛАНАДИ ИШ, БОШЛАНАДИ ИЖОД ВА ТУРМУШ...

**Сурхон водийсидан хабар:** Вилоятда иқлимга кўра Наврўз олди тараддуди бошланганига анча бўлди. Денов туманида ҳашар йўли билан 190 минг тупга яқин мевали-манзарали дарахт кўчатлари экилди. «Денов» ариғи ва бошқа сув тармоқлари тўла тозаланди...

**Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотидан:** Бу йилги Наврўз ҳар қачонгидан тафтлироқ ва омадлироқ келди. Ўтган куни Кармана тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб чигит экиш воситаларини далага олиб чиқдилар. Пудратчи Даврқул Юсупов даласида илк иш кунида беш гектар майдонга чигит қадалди...

**Қашқадарёдан дарак:** Кўклам байрамини файзу-тароват билан нишонлашга намунали ҳозирлик кўрган вилоят нуронийлари дастурхон атрофида оқсоқоллар йиғилишига тўпланиб, умумхалқ ҳашари режаларини аниқ белгилаб олдилар ва ўша куниёқ ҳашарчилар ишга киришди.

**Самарқанд.** Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида, Ҳамид Олимжон номли театр майдонида, «Яшил театр», «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» боғларида халқ сайиллари тараддуди авжида. Миллий маданий марказларнинг санъаткорлари хизматга шай. Кўклам таомларига, кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларига ҳозирлик кўрилаяпти...

**Хоразм.** Қариялар ва меҳрибонлик уйларида, маҳаллаларда маданий-маърифий, хайрия-эҳсон тадбирлари ташкил этиш вилоят ва шаҳар ҳокимликлари диққат марказида турибди...

**Бухоро.** Халқ амалий санъати — сандиқсозлик, мисгарлик, бешиксозлик, зардўзлик, кулолчилик кўргазмалари ташкил этиладиган майдонлардан ҳунармандлар ҳозироқ жой олишга шошилиб қолдилар...

**Наманган.** Чустда ўтган «Ташаббус — 2005» кўрик-танловида йигирма нафарга яқин тадбиркор беллашиб, «БТ-2001» масъулияти чекланган жамият, «Мунчоқтепа» фермер хўжалиги ва миллий пичоқлар устаси Собиржон Мамажонов ғолиб чиқдилар. Улар энди танловнинг вилоят босқичида қатнашадилар...

✧✧✧

... Бугун яшариш, янгиланиш фаслининг буюк яратувчанлик кайфиятини Андижону Фарғона, Жиззаху Сирдарё, ҳатто Қорақалпоғистоннинг ям-яшил либосга бурканаётган шаҳар-у қишлоқларида ва олис-олис гўшаларида ҳам кўриб турибмиз.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**



**М. АМИН (ЎзА) олган сурат**

# ЮГУРИШ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

Наврўз байрамига бағишланган умуммамлакат марафонига старт берилди

Аҳолини оммавий спортга жалб этиш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига кўмаклашиш мақсадида умуммамлакат марафони уюштирилди. Ёдингизда бўлса, бу хайрли тадбир илк бор 1996 йил Соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган эди. Ўтган йили 8 декабрь — Конституция куни муносабати билан ташкил этилган марафон бу борадаги тажрибамизни янада оширди. Мазкур оммавий спорт мусобақаларида минг-минглаб кексаю ёш иштирок этиб, саломатликларини янада мустаҳкамлади.



Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган марафон анъанавий тус олди. Бу галги умуммамлакат марафони Наврўз айёмига бағишланди. Шуниси эътиборга моликки, юртимизда нишонланадиган байрамларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига теранроқ етказиш мақсадида марафонлар муҳим саналар арафасида ўтказилмоқда.

Мусобақанинг дастлабки босқичи шаҳар, туман, ҳатто чекка-чекка қишлоқлардан бошланаётгани аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзининг шаклланишида ва югуришнинг оммалашишида муҳим омил бўлмоқда. Иккинчи босқич эса вилоят миқёсида ўтказилди.

Марафон ҳар доимгидек уч йўналишда ташкил этилди. Дастлабки йўналиш Нукусдан бошланиб, Урганч — Бухоро — Самарқанд орқали Тошкентга келади. Иккинчи йўналиш: Термиз — Китоб — Самарқанд — Жиззах — Тошкент. Учинчи йўналиш: Наманган — Андижон — Фарғона — Тошкент.

Умуммамлакат марафонига 17 март куни Нукус шаҳрида старт берилди. Бугун термизлик марафончилар, 23 март куни эса Фарғона водийси вакиллари мусобақага қўшилишади.

Умуммамлакат марафонида тиббий кўрикдан ўтган, соғлом кишилар, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ҳаваскор югурувчилар ва профессионал спортчилар иштирок этмоқда. Марафончилар белгиланган жадвал асосида ҳаракатланишади ва жойларда тиббий кўрикдан ўтказилиб турилади. Шунингдек, иштирокчиларнинг ёшлар билан учрашувлари, овқатланиш ва маданий хордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган.

26 март куни биринчи ва иккинчи йўналиш қатнашчилари Тошкент вилоятининг Зангиота туманига, учинчи йўналиш иштирокчилари эса Оҳангарон шаҳрига кириб келишади. Шу куни соат 16.00 да пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонидаги марра чизиғини босиб ўтишади. 27 март куни эса Тошкент шаҳрида 13 километрлик якуний югуриш мусобақаси бўлиб ўтади. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

**Реимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**Анвар САМАДОВ**

# ОГАҲИЙ ТАЪРИФЛАГАН АЙЁМ

XIX аср Хоразм адабий муҳитининг йирик сиймоларидан бири, шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг «Гулшани давлат» асарида Наврўз шодиёнаси юксак бадиий маҳорат билан, беҳад гўзал сатрлар ҳамда сўзларда тасвирланади:

*«Наврўзи оламафрўз кириб, баҳор султони карам ва эҳсон маснадида ўлтуруб, онинг фармони била бўлуб, хозини хайр ва сахо хазойини эшикларин очти. Ва лутфу ато сарпанжаси била ер юзига ниҳоятсиз дуру гавҳарлар сочти ва гулзор фазосида азҳори дилраболарининг мусаффо пайкариға зебу оро бермак учун гулгун ҳуллалар кийдурди ва ашжар барноларининг зебо қоматиға яшил тўн ва олтин тугмалар била ўзга янглиғ зебу зийнат еткурди».*

Яъни:

*«Наврўзи олам кириб келиши билан баҳор султони ҳукмронлик тахтига ўтиради, хазиначи унинг буйруғи билан инъому эҳсон хазинаси эшикларини ланг очиб, дуру гавҳарларни ер юзига сочади...»*

Асарда баҳор султонининг фармони билан қиш бўйи омборда сақланган уруғликлар олиниб, орзу-умид, яхши ният билан ерга уруғ қадалиши чиройли ўхшатиш орқали тасвирланган. Гулзорлардаги гул-чечакларнинг мусаффо жуссалари яна ҳам зебо ва гўзал бўлиши учун уларга нафис, безакли матолардан кўйлаклар, ёш дарахтларга эса олтин тугмали яшил тўнлар кийдиради. Бу тасвирда баҳор келиши билан дов-дарахтларнинг яшил тусга кириши, майсаларнинг яшил туғёни, табиатнинг уйғониши моҳирона бадиий акс эттирилган.

Ушбу қутлуғ кунда, айём муносабати билан Наврўз базми ташкил этилган. Шодиёнада ёшу катталарнинг барчасига инъому эҳсонлар тарқатилган. Бахтли, толели, мартабали бўлишларига тилак билдирилган.

Наврўз айёмида Огаҳий ҳам иштирок этган. Шодиёнадан завқланган ва катта таассурот олган шоир маснавий битади.

**Тузуб базми султон дарё ато,**
**Очиб панжаи жуду хайру сахо.**
**Халойиқға инъоми ом айлади,**
**Барин комича шодком айлади.**
**Илоҳо бериб тангри комил анинг,**
**Ўтурсун фалакдин мақомин анинг.**
**Анга ҳосил этсун не эрса мурод,**
**Муборак замирин фараҳноку шод.**
**Ўтурсун фалак авжидин поясин,**
**Етурсун жаҳон бошиға соясин.**
**Қилиб амр ила давлатин барқарор,**
**Қиёматғача айласун пойдор.**

Наврўз тантаналари ана шундай файзу тароватли ва хайру эҳсонлар инъоми билан якунланади.

Ушбу шеърий парчада ўз даврининг зукко шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий қадимий байрамнинг халқимиз томонидан қандай нишонланишини ва у билан боғлиқ удумларни гўзал бадиий лавҳалар орқали тасвирлайди. Бу билан у Наврўзнинг ўтмишда қут-барака ва омонлик байрами сифатида ардоқланганини кўрсатиб берган.

**Қумрихон СУЛТОНОВА,**
**филология фанлари номзоди**

# БОЙЧЕЧАГИМ, БОЙЧЕЧАК...

Бойчечак, лолақизғалдоқдек лов-лов ёнмайди. Атиргул каби булбулни мафтун этолмайди. Аммо гуллар ичида биринчи бўлиб ердан қуёшга, ёруғликка интилувчи бундай нафис гулнинг барвақт очилишида ҳайрат бордек. Халқимизнинг бойчечак гулини қандай ардоқлагани ҳақида ёзувчи Назир Сафаров ўзининг «Наврўз» романида шундай ёзади: «Энгашиб қарасам сарғиш докага юзини яширган келинчакдек кўм-кўк барг орасига яширинган гул. Гўё қўрқа-писа атрофга мўралаётгандек... Биз энди қишлоққа қуруқ қўл билан бормаймиз. Баҳор элчиси бойчечакни кўрмана қилиб, ҳовлима-ҳовли кезамиз, ҳадялар йиғамиз.

— Урр-ей «бойчечак» айтиб баҳорни қутлаймиз, — дейишади болалар чуғурлашиб. Биз қувона-қувона бойчечак қўшиғини янгратиб, қишлоқ томон йўл олдик.

**Бойчечагим хиллодир,**
**Хамён тўла тиллодир...**
**Чучвоқи жувон бўлди**
**Бойчечак, бойчечак,**
**Қаттиқ ердан қатраб чиққан,**
**Юмшоқ ердан юмалаб чиққан**
**Бойчечак, бойчечак.**

Ҳовли-ҳовлилардан болалар чиқиб бизга қўшилар, аёллар нон, қанд-курс билан сийлашарди бизни».

Тўғри, миришкорлар қишин-ёзин анвойи гуллар етиштириб, гўзаллик яратаётган замонда ҳам бойчечакни янгилик сифатида совға этишнинг завқи бўлакчага ўхшайди. Боиси, бойчечак баҳор элчиси, табиий неъмат.



Баъзи ёшлар бойчечакни ажратолмаганини кузатганман. Сабаб, экологик ноқулай муҳит туфайлими, бойчечак йилдан-йилга камайиб бормоқда. «Қизил китоб»га киритилгани ҳам шундан. Энди уни ҳам лола ва анзур пиёзи каби териш ман этилган. Баҳорни соғинганлар эса табиат қўйнида уни учратганда эгилиб, таъзим билан майин исидан баҳра олишлари мумкин, холос.

**Ғофур ЖЎРАЕВ**

# ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Наврўзни баҳор элчиси, янгиланиш рамзи, дея суямиз, қадрлаймиз. Қаҳратоннинг дамини қирқиб, илиқликни чорлаб келганлиги учун ҳам унга меҳримиз бўлак. Лекин халқимизда йил боши деб эъзозланадиган муқаддас бу байрамнинг сифатлари, фазилати битмас-туганмас. Жумладан, ёш авлодни Ватанга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида Наврўзнинг ўрни алоҳида. Чунки қадимшунос олимларнинг маълумотларига кўра бу қадимий ва навқирон Йилбоши байрамининг тарихи халқимиз тарихи билан узвий боғланган. У элимиз билан яхши-ёмон кунларда бирга-бирга яшаб келмоқда.

Республика Ҳарбий прокуратурасида ўтказилаётган маънавий-маърифий, мафкуравий тадбирларда Наврўзнинг ана шу фазилатлари алоҳида таъкидланмоқда.

— Бу йилги Наврўз арафасида бошланган ойлик тинч ва осойишта ҳаётимизнинг сермазмун йўлига бағишланмоқда, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия майори Аслон Ҳолиқов.** — Биз ўлмас бу қадриятимизнинг тарғибот-ташвиқотини фақат баҳор ойларида эмас, йил бўйи давом эттиришни режалаштирганмиз. Чунки баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакат мудофаа салоҳиятини юксалтиришда Наврўз билан боғлиқ анъана ва удумларимизнинг аҳамияти беқиёс.

Наврўздаги эзгу анъаналар мамлакат сарҳадларини қўриқлаётган ҳар бир аскар Ватанини, халқини севган ҳар бир фуқаро учун қадрлидир.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ**

**ЎзХДП янгиликлари**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгашида** партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ҳамда ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиблари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Иштирокчилар Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси Баёнотининг мазмун-моҳияти тўғрисида фикрлашдилар. Йиғилишда иштирок этган партия фаоллари, депутатлар жойларда, ёшлар ўртасида шу мавзудаги учрашувлар ташкил этишга келишиб олдилар.

**Ўзбекистон ХДП Тошлоқ туман кенгашида** партия фаоллари иштирокида ўтган йиғилиш ҳам шу мавзуга бағишланди. Бошланғич партия ташкилотлари котиблари, туман Кенгаши депутатлари ХДП фракцияси қабул қилган Баёнотни маъқуллаб, уни юртимизда демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашаётганлигининг бир кўринишидир, дея баҳоладилар. Сўзга чиққанлар, мазкур ҳужжатни амалга оширишда ҳар бир партия ташкилотининг ҳиссаси муҳим эканлигини таъкидладилар.

**ЎзХДП Данғара туман кенгаши** партиядан сайланган депутатлар иштирокида Қонунчилик палатасидаги ХДП фракциясининг Баёнотини барча бошланғич партия ташкилотларида муҳокама этмоқда. Фракциянинг тутган бу йўлини барча партиядошларимиз фаол қўллаб-қувватламоқдалар ва фракция фаолиятини ташкил қилиш, партия ташкилотларининг сўл қанот сифатида ижтимоий ҳимояга эътиборни кучайтириш масалаларида ўзларининг таклифларини билдирдилар.

**Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгашида** бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиш иштирокчилари фракция Баёнотини катта қизиқиш билан қўллаб-қувватладилар. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р.Ботиров сўзга чиқиб, партиямизнинг сўл қанот сифатидаги фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти, бу йўналишда партия ташкилотларининг вазифаларига тўхталди. Йиғилиш якунида барча бошланғич партия ташкилотларида, маҳаллалар, аҳоли марказларида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси — мамлакатимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти» мавзусида «давра суҳбатлари», учрашувлар ўтказишга қарор қилинди.

**Хонқа тумани**даги 3-сон умумтаълим мактабида юқори синф ўқувчилари ва қишлоқ ҳудудий партия ташкилоти фаоллари иштирокида шу мавзуда «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Тадбир якунида Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилинган янги аъзоларга партия билетлари топширилди.

Худди шу мавзудаги учрашув **Сирдарё вилоят** партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Гулистон давлат университети ва «Лола-модель» қўшма корхонасида ўтказилган ана шундай тадбирлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

**Банк ва ижтимоий ҳимоя**

# ПЕНСИЯ ВА ЖАМҒАРИЛАДИГАН САРМОЯ

## ЁХУД ПЕНСИОНЕРЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ТЎЛОВЛАРИҒА ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ ҲАҚИДА

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XVI сессиясида (2004 йилнинг 2 декабри) «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан хабарингиз бор.**

**Бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг кексалик чоғидаги фаровонлигини таъминлаш ва пенсионерларнинг амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбааларини яратиш мазкур қонуннинг асосий моҳиятидир. Бундан ташқари, бу қонун орқали иш берувчиларнинг ўз ходимларига пенсия давридаги моддий аҳволини яхшилаш учун бўлган масъулияти янада кучайтирилди.**

**Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган 595-сонли «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарорига кўра, Халқ банки зиммасига жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиларига хизмат кўрсатиш юкланди.**

**Ушбу шарафли ва масъулиятли вазифанинг айнан Халқ банки чекига тушганлиги, аввало, ҳукуматимизнинг ушбу банкка бўлган юксак ишончи ҳамдир. Айни пайтда Халқ банкининг Тошкент шаҳар ва туман филиалларида ушбу муҳим ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш борасида муайян ишлар бажарилди, тегишли тадбирлар белгиланди. Қисқа муддат ичида амалга оширилган ишлар ҳақида махсус мухбирларимизга Халқ банки Тошкент шаҳар филиали бошлиғи Тоҳир ИСЛОМОВ қуйидагиларни гапириб берди:**

— Мазкур қонун ва қарорда белгиланган устивор вазифаларнинг бажарилиши юзасидан Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликларида, Қонун ижроси юзасидан иштирок этувчилар, ички ишлар, статистика, молия, солиқ бошқармалари, хўжалик субъектлари раҳбарлари ва Халқ банки филиаллари иштирокида чора-тадбирлар белгиланди ҳамда уларнинг амалга оширилиши бўйича аниқ йўналишли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали ва туман филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимида ишни ташкил этувчи бўлимлар очилди ва улар малакали мутахассислар билан тўлдирилди. Ташкил этилган бўлимлар жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга олиш, шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш ва жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш билан шуғулланиши белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 595-сонли қарорининг 4-бандида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига шахсий тартиб рақами бериш паспорт тизимига мувофиқ аниқланадиган фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) асосида амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу қарор асосида Халқ банки филиаллари томонидан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик субъектларига етказиб берилган «Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш бўйича сўровнома» бланкаларидаги маълумотлар ички ишлар паспорт бўлими томонидан тасдиқлангандан кейин банк филиаллари томонидан қабул қилинмоқда.

Кўрсаткичларга мурожаат қиладиган бўлсак, пойтахт ҳудудида фаолият кўрсатаётган 20 мингдан ортиқ юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи ишчи ва хизматчилар сони 516 нафарни ташкил этишининг гувоҳи бўламиз.

Айни пайтда, фуқаролар номига хўжаликларда сўровномаларнинг расмийлаштирилиши билан биргаликда, белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, ички ишлар бошқармаларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлимларига топшириш ишлари якунига етмоқда. Қисқа муддатлар ичида эса мазкур бўлимлар ходимлари томонидан фуқароларнинг паспорт кўрсаткичлари асосида белгиланган тартибда индентификация рақамлари қайта текширувдан ўтказилиб, мазкур муассаса мутасадди ходимлари томонидан тасдиқлаб берилмоқда.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шаҳар ҳокимлиги ва ички ишлар бош бошқармасининг оқилона қабул қилган қарорига кўра туманлардаги хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлимлари томонидан корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг, яъни паспортларнинг республикамизнинг қайси ҳудуди ва туманида олинганлигидан қатъий назар, сўровномалар тақдим қилинган паспорт столлари томонидан тегишли ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва юзага келиши мумкин бўлган барча муаммолар жойида ҳал қилинмоқда. Бу эса албатта, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларига катта қулайлик яратмоқда.

Бугунги кунга келиб, Халқ банкида жамғарилиб бориладиган пенсия таъминотига кирувчи фуқаро номига сўровномалар расмийлаштирилиб, туманлар ИИБларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлимларига топширилди. Сўровномалар белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиб, фуқароларга ҳисоб варақалари очилиши учун Халқ банки филиалларига топширилияпти. Банк филиалларининг тегишли бўлимларида фуқароларга оид тегишли маълумотлар ҳисоб варақлар очилиши учун маълумотлар базасига киритилиб ўз навбатида ҳисоб рақамлари очилган фуқаролар номига жамғарилиб бериладиган пенсия дафтарчалари ёзиб берилмоқда.

Банк филиали ўз зиммасига юклатилган шарафли вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Банк филиалларида тажрибали мутахассислар жалб этилган ҳолда сменали иш тартиби жорий этилган. Бунинг учун банк муассасаларида мавжуд компьютер техникаларига тегишли дастурлар ўрнатилган.

Қуйида жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти иштирокчилари номига банкда очиладиган ҳисоб варақларидаги маблағларнинг шаклланиши, уларнинг миқдорлари ва фуқароларнинг номига очилган ҳисоб варақларидан пул маблағларининг берилиши тартиблари тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтсак:

Юқорида қайд этиб ўтилган Қонуннинг 10-моддасига асосан жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 595-сонли қарорининг 2-бандига биноан эса 2005 йилда фуқаролар шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилади.

Бундан ташқари, иш берувчилар ўз маблағлари ҳисобидан (агар бу жамоа шартномасида кўрсатилган бўлса ёки ишчи гуруҳларининг розилиги бўйича) ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб варақларига қўшимча бадаллар ўтказиш ҳуқуқига эга. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига қўшимча равишда исталган миқдордаги бадалларини киритишлари мумкин.

Халқ банки филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурийлик асосида иштирок этишдан ташқари ихтиёрийлик асосида иштирок этувчилар учун ҳам шароитлар яратилган. Юридик шахс бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари аъзолари, уй бекалари, вақтинча ишламаётган ҳамда бошқа фуқаролар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги Халқ банки филиалига мурожаат этиб, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи очиши мумкин. Улар шахсий пенсия ҳисоб варақларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатини мустақил равишда белгилайдилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Қонуннинг 5-моддасига асосан давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди. Фуқаро вафот этган тақдирда унинг ҳисоб варағида жамғарилган маблағлар амалдаги қонун тартибида меросга ўтади ва бирйўла тўлиқ тўланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетаётган фуқароларга ҳам шахсий ҳисоб варақларида тўпланган маблағлар бирйўла тўлиқ тўланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамғариб бориладиган пенсия тизимида шаклланган маблағларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш ҳамда уларга даромад тўлаш мақсадида Халқ банки томонидан бу маблағлар инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштирилади. Шаклланган маблағларга фоиз ставкасини Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган ҳолда белгилайди.

Айни кунларда Халқ банки Тошкент шаҳар филиалимизда бу йўналишда амалий ишлар давом эттирилмоқда. Мақсадимиз — филиалимиз зиммасига юклатилган вазифаларни астойдил бажариб, халқимизга виждонан хизмат қилиш.

**Суҳбатни**
**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ**
**ёзиб олишди.**

# УЙ-ЖОЙ НИЗОСИ ВА СУД АМАЛИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида таъкидланганидек: «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли». Асосий Қонунимизнинг 53-моддасига асосан давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди, хусусий мулк эса «дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир».

Хусусий мулкнинг жорий этилиши ва унинг бошқа мулк шакллари билан баб-баравар муҳофаза қилиниши иқтисодий муносабатларнинг эркин ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Мулк эгаси бўлишга интилиш инсонга хос хусусият. Ҳар бир одам мана бу меники, менинг мулким дейишни, эгнидаги уст-бошию уйидаги жиҳозлари, автомашинаси ўзиники бўлишини истайди. Қолаверса, ўзбекларда Ватан остонадан бошланади, деган гап бор. Шунинг учун у ўзининг Ватани, маскани — уй-жойини муқаддас даргоҳ ҳисоблайди.

Уй-жой муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Уй-жой, Шаҳарсозлик, Ер, Оила кодекслари ва ушбу қонунларнинг ижросини амалга оширишга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари муҳим ўрин тутади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан ҳам уй-жой билан боғлиқ низоларни тўғри ва адолатли ҳал этиш, якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича қонун ҳужжатлари тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида 2001 йил 14 сентябрда «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги ва 2004 йил 24 сентябрда 14-сонли «Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Фуқаролар маълум бир уй-жойни олди-сотди шартномаси асосида мулк қилиб олишлари мумкин. Айни шу жараёнда қонунчиликни билмаслик оқибатида кўплаб низолар келиб чиқмоқда. Эр ёки хотин оила қонунчилигини билмасликлари оқибатида умумий мулк бўлган уй-жойнинг сотиб юборилганлиги натижасида ўртада низо келиб чиқмоқда.

Айниқса бундай ҳолат турмуши бузилган эр-хотинлар ўртасида кўп учрайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддасига мувофиқ, эр(хотин) ўзининг номига расмийлаштирилган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин(эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим.

Яқинда фуқаро А.Каримова судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. У турмуш ўртоғи Ж.Каримов билан ўрталаридаги уйга доир олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларига қараганда, низоли уй 2000 йил 21 августдаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра Ж.Каримовга тегишли бўлган. У 2003 йилгача мазкур уйда оиласи билан яшаб келган. Ж.Каримов ўзлари яшаб турган уйни К.Абдураҳмоновга 1.500.000 сўмга сотиб юборган. Лекин турмуш ўртоғининг розилигини олмаган.

Аниқланишича, ушбу уй-жой Оила кодексининг 23-моддасига кўра эр хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулки ҳисобланади. Шу сабабли, А.Каримова қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, асосли равишда судга уй-жойнинг олди-сотди шартномасини бекор деб ҳисоблаш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган. Суд даъвони қаноатлантириб, уй-жойнинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топди.

Судлар ушбу тоифадаги ва уйга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда ер участкалари кимга ажратилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиб олиши, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда тарафларга уйга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақида арз қилиш ҳуқуқини тушунтиришлари лозим. Уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни кўришга тайёрлаш босқичида судлар даъвонинг предмети ва асосини ойдинлаштириши, низоли ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларини ҳамда унга нисбатан қўлланиши лозим бўлган қонунни аниқлаб олиши талаб қилинади.

Масалан, фуқаро Г.Бердиева судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ва эр-хотиннинг умумий мулкидан улуш ажратишни сўраган.

Аниқланишича, тарафлар қонуний никоҳ асосида турмуш қуриб, турмушлари давомида икки фарзандли бўлишган. Тасдиқланган ҳужжатларга кўра, жавобгар Ғ.Бердиевнинг номига берилган ер участкасига уй қуриб, шу уй-жойда яшаб келишган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддаси 1-қисмида уй, квартира эгасининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартиралардаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар, дейилган. Улар мулкдор берган турар-жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар. Оиланинг бошқа аъзоларини эса уй, квартира эгасининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг эгаси билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Ана шу қонун талабига асосан биринчи инстанция суди даъвогар Г.Бердиевани оила аъзолари билан низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигини назарда тутиб, уйга киритиб қўйиш ҳақида тўғри хулосага келган. Апелляция инстанциясининг ажрими билан суд қарорининг ушбу қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Яъни, суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар Г.Бердиеванинг даъвоси қаноатлантирилиб, низоли уй-жой тарафларнинг умумий мулки деб эътироф этилган ва уларга бўлиб берилган. Даъвогарнинг 2 нафар вояга етмаган фарзанди шу уй-жойга киритиб қўйилган ва қўшимча қурилишлар тарафларнинг умумий фойдаланишида қолдирилган.

Юқоридаги мисоллар кўп фуқароларда ҳамон ҳуқуқий саводхонлик ночорлигини кўрсатади. Ҳолбуки, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини билишлари зарур. Судлар эса ушбу тоифадаги ишларни ҳал этишда Конституциямиз, Фуқаролик, уй-жой, оила қонунчилиги ва Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ҳал этиши лозим.

**Абдурасул МАДРАҲИМОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди раиси**

**Ҳуқуқий мулоҳаза**

# КАСБ ЭТИКАСИ: УНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

## ЁХУД ЎЗ БУРЧИГА ХИЁНАТ ҚИЛАЁТГАН БАЪЗИ АДВОКАТЛАР ХУСУСИДА

АҚШ шаҳарларидан бирида бир хоним қаҳвахонага киради. Официант унинг талабига биноан дарҳол қаҳва олиб келади. Шошиб турган хоним қаҳвани ичади-ю, бақириб юборади, оғзидаги қайноқ қаҳва уст-бошига, столга тўкилади. Кўпчилик олдида мулзам бўлган аёл ишхонасига бориб, адвокатга учрайди ва бўлган воқеани сўзлаб беради. Адвокат қаҳванинг қайноқлиги ҳақида мижозни огоҳлантирмай, уни ноқулай аҳволга солиб қўйган қаҳвахона маъмурларига нисбатан даъво қўзғайди. Анчагина шов-шувга сабаб бўлган бу иш судда кўрилиб, ҳалиги аёлнинг қаҳвахона ходими томонидан огоҳлантирилмаганлиги боис маънавий зарар кўрганлиги тасдиқланади ва қаҳвахона унга катта миқдорда жарима тўлайди...

Бир қарашда латифанамо кўринган бу воқеа замирида аслида жамият ҳаётида ҳуқуқнинг, қонунчиликнинг ўрни нақадар муҳимлиги акс этган. Зеро, ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари ҳимояси биринчи навбатда адвокатлик фаолиятига бевосита боғлиқ. Шуни айтиш керакки, адвокатга нисбатан муносабат жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият даражасини белгиловчи ўзига хос мезондир.

Ёдимизда бор, собиқ шўро тузуми пайтларида адвокатлар фақат номигагина иш юритишар, бирон-бир жиноий иш билан боғлиқ ҳолатларда терговнинг олиб борилиши, судьянинг ушбу ишни кўриб ҳукм ёки қарор чиқариши асосан тергов ва судья ихтиёрида эди. Кейинги йилларда адвокатуранинг жамиятдаги мавқеи кўтарилди. Адвокатга нисбатан судья, прокурор ва терговчиларнинг менсимай қарашларига бирмунча barҳам берилди. Мамлакатимизда адвокатуранинг ҳуқуқий мақомини юксалтиришга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Бугунги кунда қонунбузилишларга оид бошига иш тушган киши тўғридан-тўғри адвокатларга мурожаат қилмоқда.

Бироқ, судья, прокурор ва терговчиларнинг ишларида адвокат иштирокига оид баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, тергов органлари айрим ҳолларда айбланувчига ноқонуний таъсир ўтказиш, уни сўроқ қилиш, юзлаштириш, иш материали билан таништириш каби процессуал ҳаракатларни ҳимоячининг иштирокчисиз амалга оширган ҳоллари мавжуд. Бундан ташқари, ҳибсхоналарни бошқариш ва назорат қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш ва қўллаш каби ваколатлар тергов органи ихтиёрида. Бунда эса хоҳлаймизми, йўқми қораловчининг оқловчига нисбатан имконияти баланд бўлади. Аслида, тергов идорасининг ҳам, судьянинг ҳам, адвокатнинг ҳам мақсади муштарак — ҳукм ва қарор чиқаришда фақат қонунларга риоя қилиниши ҳамда адолатнинг барқарор бўлишини таъминлашдан иборат. Бу эса уларнинг доимо ўзаро ҳамкорликда ва тенг шароитларда иш юритишларини тақозо этади.

Юқоридагилар айблов билан оқлов ўртасидаги тенглик муносабатларига боғлиқ муаммолар. Лекин, адвокатларнинг малакаси ва касб этикаси билан боғлиқ масалалар ҳам мавжудки, уларни ҳам айтиб ўтмоқ жоиз.

Дарвоқе, «Ўзбекистон адвокатларнинг касб этикаси қоидалари»га барча адвокатлар томонидан оғишмай риоя қилинмоқда, деб бўлмайди. Улар ўз ахлоқ-одоби билан халқ ўртасида намуна бўлишлари, адвокатлик шаънига доғ туширадиган ҳаракатлардан мутлақо холи бўлишлари керак. Айниқса, мижоз билан шартнома тузаётганда иш бўйича адвокатнинг ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мазмунига мос гонорар суммасини белгилашда инсоф даражасидан ташқарига чиқмаслик лозим.

Нурия Мадхолиқова эри вафот этгандан кейин уйини ва машинасини олиш мақсадида адвокат Урайим Тожиевга мурожаат қилган. Адвокат бу ерда адвокатлик этикаси ва қонунларга хилоф иш юритиб, аризачи Н.Мадхолиқованинг иши билан шуғулланган пайтда хотини орқали мижоздан 400 АҚШ долларини қарз олади. Бунинг устига, у мижоздан олган гонорарни ғазнага тўлиқ топширмайди. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган фуқародан олган қарзини эса келишилган муддатда қайтариб бермаган.

Вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссияси томонидан ўтган йили шунга ўхшаш адвокатлик этикасига риоя қилмаган 12 нафар адвокатга нисбатан турли хилдаги интизомий чоралар қўлланилди. 4 нафар адвокатнинг лицензияси бекор қилинди. Шуниси ажабланарлики, дастлабки терговда айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини эмас, аксинча, тергов идорасининг айтганини қиладиган адвокатлар ҳам учраб туради. Битта мисол. 2004 йил 6 март куни вояга етмаган С.Жўраев ва Н.Мамацаевлар Фарғона шаҳридаги марказий деҳқон бозори эшигидан кириб келаётган фуқаро С.Расулованинг қўлидаги сумкасидан 6 минг 500 сўм пулни ўғирлаётганда қўлга олинганлар. Фарғона шаҳар ИИБ терговчиси У.Ғофуров томонидан 9 апрель куни С.Жўраев ва Н.Мамацаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноий иш қўзғатилган. Айбдорларга вояга етмаганликлари учун уларга ҳимоячи иштироки шартлиги ва «Ферузбек-МК» адвокатураси ходими К.Отажонов хизматидан фойдаланиш таклиф этилган. Бироқ, С.Жўраев ва Н.Мамацаевлар «ҳимоячи хизмати учун маблағимиз йўқ» дея ҳимоячи олишни рад қилишган. Терговчи У.Ғофуров ушбу тоифа жиноят ишларида ҳимоячининг иштироки шартлигини билгани ҳолда вояга етмаган Н.Мамацаев ва С.Жўраевлар билан ўтказилган барча тергов ҳаракатларида гўё ҳимоячи К.Отажонов иштирок этган, дея ҳужжатларга тегишли ёзувлар киритган ва жиноят ишини тамомлаган.

Қарангки, ҳимоячи К.Отажонов ҳам мазкур жиноят иши юзасидан биронта ҳам тергов ҳаракатларида қатнашмаган бўлса-да, гўё унинг иштирокида тузилганлиги ҳақидаги сохта ёзувлар киритилган барча баённома ва процессуал ҳужжатларга ўзининг иштирокини тасдиқловчи имзо чеккан! Буни адвокатлик этикаси нуқтаи назаридан ва қонун ўлчовида қандай баҳолаш мумкин?

Назаримда, адвокатуранинг мавқеи адвокатларнинг ўз ишини сидқидилдан, виждонан ва ҳалол бажариши билан белгиланади. Шундай экан, ҳар бир адвокат ҳимоячи деган номга доғ туширмаслиги, унинг обрўсини халқ олдида янада кўтариш учун сидқидилдан ҳаракат қилмоғи лозим.

**Юнусали АБДУЛЛАЕВ,**
**Фарғона вилояти адлия бошқармаси нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бўлими бошлиғи**

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

# ЭЗГУЛИК ЎГИТЛАРИ

**Ургут туманидаги «Почвон» маҳалласида истиқомат қилаётган 122 ёшли Додархон момо СОДИҚОВА не-не суронли йилларни ортда қолдириб, бугун оила аъзолари ардоғида ҳаёт кечирмоқда**



Самарқанд вилоятининг энг ёши улуғ фуқароси Додархон момо 1883 йили ҳозирги Ургут туманининг Испанза қишлоғида таваллуд топган.

— Болалигимдаги хотираларимдан биламан, у даврларда одамлар орасида саводхонлари жуда кам, шунинг учун ўқимишлиларга ҳурмат баланд эди. Ўн саккиз ёшларда бўлсам керак, Почвон қишлоғилик Ҳамроқул деганга турмушга узатишди. Отам оддий деҳқон бўлган. Икки укам, бир синглимни оғир меҳнатнинг орқасидан катта қилган. Қишлоғимиз тоғ ёнбағрида жойлашгани учун қиш анча чўзиларди. Ўша пайтларда узун тунлари кашта, дўппи, кийимкечаклар тикардик. Тайёрлаган буюмларимизни отам бозорда пуллаб, рўзғор учун ул-бул нарса олиб келарди. Баҳор келиши билан ҳамма далага чиқар, тирикчилик илинжида ерга уруғ сочарди.

Колхозлаштириш йилларида одамларнинг азоби ошиб кетди. Элдан ҳузур-ҳаловат кўтарилди. Эрта тонгдан кечгача иш билан банд бўлардик. Баҳорда экилган уруғнинг ҳосилини йиғиб-териб олгунча бир қўлимиздан ўроқ, биридан бола тушмаган. Кечагидай эсимда, дугоналарим билан эрталабдан далага отланардик. Кун бўйи гоҳо туз тотмасдан далада буғдой, арпа ўриб, эвазига икки кило буғдой ёки иккита зоғора нонни уйда кўз тикиб ўтирган болаларимизга олиб келардик. Худо раҳмат қилсин, Анзират, Фазилат, Муяссар деган тенгдошларим бор эди. Кўп йиллар шулар билан бўлдим. Туғишган ака-укаларимнинг ҳаммаси ўтиб кетган. Ҳозир фарзандларимнинг тўнғичи Сирож Ҳамроев, кичиги Нажмижон, 30 нафар неварам бор, эвара, чевараларнинг ҳисобиниям билмайман.

Яратган эгам ҳар бир бандага ўзи инсоф берсин экан. Бу дунё барчамиздан қолиб келмоқда. Тоза кўнгил, серғайратлик умрга малҳам, болам, — дейди Додархон момо.



Баҳаво Ургут заминида яшаб меҳнат қилган, ҳозирда фарзандлари ардоғида умр кечираётган Додархон момодан инсон саломатлиги, узоқ умр кўришнинг сир-асрорлари ҳақида сўрадик.

— Одам боласининг ақлини ҳам, тан соғлигини ҳам жисмоний меҳнат пешлайди. Керагидан кўп овқатланиш инсон учун зарарли. Ўтмишда одамлар тўйиб-тўймай овқатланишган. Яна тинимсиз жисмоний меҳнат билан машғул бўлишган. Рўзғордаги тоза-озодаликка риоя қилиш аёлларнинг доимий иши бўлиши керак. Теварак-атроф озодалиги, тоза ҳаво инсонга руҳий қувват беради.

Билмасам, авваллари техника кам бўлганми ёки бошқа сабабми, нафас олсанг ҳаво тозалигидан танинг яйрарди. Тоза ҳаво одам соғлиги учун жуда керак-да. Яратганга минг шукр, ҳозир қимирлаб турган одам борки бинойидек кун кечиряпти. Афсуски, баъзи ёшлар тажангроқ бўлиб қолишмоқда. Кенг феъллилик одамнинг умрини узайтиради.

Болалагимизда Ургутда Балх тутлари жуда кўп эди. Халқдан қолган гап бор: тут пишиғига етсак бўлди, у ёғи уланиб кетади деган. Шундай пайтлар бўлганки, қишдан узилиб чиққан оилалар буғдой пишиғигача фақат тут мевасини еб кун кўришган. Шунинг баробарида қишга деб тутмайиз ҳам қилинарди. Бундан ташқари, бошқа мевалардан ҳам қоплаб қоқилар ғамлаб қўярдик. Одамлар мева-чевадан кўп истеъмол қилса, соғлом бўлади, касалга чалиниш ҳам камаяди.

Аввал қишлоқларда табиблар бўларди, турли хил гиёҳлардан тайёрлаган дорилари билан даволашарди. Кечагидай эсимда, Почвон қишлоғимизнинг юқори қисмида бир табиб бор эди. У киши тоғлардан турли гиёҳларни териб келиб, дардмандларнинг касалига малҳам топарди. Саидқул табиб эса ҳар қандай дардга дармон бўлгувчи инсон эди. Эй болам, меҳнат ҳар томондан фойда. Одамлар ўзини ўзи асрашни билса бўлди. Узоқ яшашнинг сири шу.

**Саломат ЖУМАЕВА, пенсионер:**

— Ёшим 74 да. Додархон момо мени энг яқин сирдоши деб билади. Ҳар ҳафта бир-икки марта онани кўрмасам ҳаловатим бўлмайди. Улар ўтмишда кўрган-билганларини менга гапириб беради. Ҳали ярим ёшига етибманки, гоҳида ўзимда толиқиш сезаман. Қанийди, қишлоқларимизда онахонга ўхшаб бир асрдан ортиқ умргузаронлик қилиб, ёшларга ҳаёт, яшаш сирларини ҳикоя қилувчи, панд-насиҳат берувчи отахону онахонларимиз кўп бўлса. Бу кишининг рўзғор тутишидаги покизалиги, бағрикенглиги бутун қишлоғимизнинг ёшу қарисига ибрат. Ўзим шу қишлоқда туғилиб ўсганман. Онам раҳматлидан ҳам кўп эшитганман, момо кўча-кўйда ҳам ёшларга тоза-озода юринглар, нафс қули бўлманглар, дангасалик ёмон одат, дея кўп насиҳат қиларканлар...

**Юсуф МУХТОРОВ, «Почвон» маҳалласи оқсоқоли:**

— Додархон ая бутун туманимизнинг фахри. Уларнинг ҳаёт йўли, турмуш тарзи барчамиз учун ибрат. Ая билан девор-дармиён яшаганмиз. Мен у кишининг неваралари билан ўйнаб катта бўлганман. Бетоб бўлиб қолган чоғларимизда ҳам онам унинг маслаҳатлари билан турли гиёҳлардан малҳам қилиб тузатарди. Энди билсам, у киши доимо турли мевалардан қишга ғамлаб, тановвул қилиб юраркан. Шунинг учун бўлса керак, одамларни кўпроқ мевали дарахтлар экишга ундайди.

Сиҳат-саломатлик йилида Додархон момога ўхшаган мазмунли умр соҳибларининг эзгулик ўгитларини ёшларимизга кенгроқ тушунтириш пайти келди, назаримизда. Чунки, бугун кексаликнинг иззатли дамларида ҳаёт ва умрбоқийликнинг тимсолидай теран тасаввурлар уйғотувчи нуроний отахону онахонларимиз пок чеҳраларидаги шукроналик, сабру қаноат ҳар бир фарзанддан яхшилик йўлида дуогўйларимиздан сабоқ олишга ундайди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

# «МЕЪЁР — СОҒЛИҚ МЕЗОНИ»

дейди вилоят кўп тармоқли шифохонаси гемотология бўлимининг мудири Соҳибхон Ғафуров



**— Одатда саломатлик хусусида гап очилса, аҳоли орасида кўп тарқалган камқонлик касаллиги хусусида фикр юритилади. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида ҳам бу муаммони бартараф этиш масаласи биринчи ўринда турибди. Айтинг-чи, камқонликнинг олдини қандай олиш мумкин?**

— Аёллар ва болалар ўртасида камқонлик касаллиги кўп учрайди. Мен шифокор сифатида, камқонликнинг сабаби оиладаги эътиборсизлик оқибати деб баҳолаган бўлардим. Табиатда қизиқ бир ҳолат кузатилади: чумолидан тортиб қушларгача касалликлардан ўзини асраш инстинкти мавжуд. Бунга мисоллар кўп. Биз инсонлардачи?

Биз таркибида темир моддаси миқдори кўп маҳсулотлар, деганда кўпроқ гўштни назарда тутамиз. Лекин ловия, мош, нўхот, ерёнғоқ кабилар ҳам темир моддасига бойлиги билан гўштдан қолишмайди. Гоҳида рўзғори тўкин оилалардаги аёллар ё болалар ҳам камқонликдан азият чекади. Бунинг сабаби ҳазм органлари, яъни ошқозон-ичак, жигар носоғломлигидир. Шунингдек, болалар ўртасидаги камқонлик кўпроқ организмнинг ўсиш жараёнида темир моддасига бўлган эҳтиёж ортишидан келиб чиқади. Оддий шамоллаш ёки юқумли касалликлар билан оғриган бемор ўз организмига хос меъёрни билиши керак. Чунки инсон касалланганда организмида темир кўп «ишлатилиб» кетади.

**— Қишлоқ касалхоналарида бўлганимизда камқонликнинг олдини олиш учун аёлларга бепул дармондорилар тарқатилаётганини эшитдик. Лекин дармондориларга уларнинг иштиёқи паст. Айтинг-чи, аҳоли орасида бу препаратларга ишончсизлик қаёқдан пайдо бўлган?**

— Республика гемотология ва қон қуйиш институти, Осиё тараққиёт банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ орқали Япония ҳукуматининг JICA ташкилоти билан «Темир етишмовчилиги камқонлигининг олдини олиш» дастури ишлаб чиқилган. Унга асосан бизнинг вилоятга 16 тонна (51 миллион 128 минг дона) темир препарати, 42 минг 177 дона темир сиропи келтирилган. Ана шу дори-дармонлар мақсадли гуруҳларга, яъни 2 ёшгача гўдакларга, 12-14 ёшдаги ўсмир қизларга, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга бепул тарқатиляпти. Бироқ, аҳоли орасида асоссиз шубҳа, миш-мишлар таъсирида ғамхўрликни писанд этмаётганлар борлигига ҳайрон қоламиз. Бу борада хотин-қизлар қўмиталари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан ҳамкорликда тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириб боряпмиз.

Яна бир масала — бу чой. Биз чойхўрмиз, бу ўринда чойнинг фойдали томонларидан ҳам кўз юммаслик керак. Лекин чойнинг таркибидаги танин, фитин моддалари темир моддасининг қонга сўрилишига тўсқинлик қилади. Чойни овқат билан бирга ичмаслик керак. Овқатланиш пайтида қайнаган сув, турли мева шарбатлари ичишга одатланилса фойдадан ҳоли эмас. Чойни эса овқатдан бир соат кейин, яъни овқатдаги темир моддалари қонга сўрилиб бўлгач ичишни тавсия этамиз.

Дастурхонимизда қанд лавлаги, қизилчадан тайёрланган таомлар бўлиши жуда фойдалидир. Чунки бу сабзавотлардаги темир моддаси қонга фаол сўрилади.

Мутахассис сифатида ота-оналарга бир фикрни айтмоқчиман. Болангиз мактабдаги фанларни паст ўзлаштиряпти ёки жисмонан ҳорғин бўп қолса, билингки, унинг соғлиғи яхши эмас.

Дармонсизланяпсиз, бошингизда оғриқ бор, бир-бир кўзингиз тинади ёки таъм ва ҳидни билишингиз бузилган, юрагингизда безовталик сездингиз, ўтиб кетар деманг. Демак, томирингиздаги қон ўз меъёр даражасида ўзгариш юзага келганидан хабар беряпти. Зотан, аъзоларимиздаги қон меъёр даражасида бўлиши — тан-сиҳатлигимизнинг мезонидир.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**
**суҳбатлашди**




«БУХОРО ПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

юртимиз пахтакорлари ва пахтасаноати ходимларини, шунингдек, биз билан ҳамкорлик қилаётган хорижликларни баҳор айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан чин юракдан табриклайди!

Ҳаммамиз учун муқаддас, бетакрор заминимизга берган меҳримиз юртимизга файзу барака келтирсин, халқимиз фаровонлиги янада юксалаверсин. Ҳар бир инсон ўз меҳнатининг роҳатини кўрсин.











## XORIJDA

### Чубайс жиноятчилар кимлигини билади

Россиянинг таниқли сиёсатчиси РАО «ЕЭС Россия» энергетика компанияси раиси Анатолий Чубайсга пайшанба куни эрталаб суиқасд уюштирилганди. Чубайс шундай бўлиши мумкинлигини аввалдан тахмин қилганини айтди.

Унинг автомобиль кортежи Москва яқинидаги Жаваронки посёлкасидан Минск шоссесига яқинлашган пайтда кучли портлаш содир бўлган.

Чубайснинг махсус машинаси омон қолиб, ҳаракатни давом эттирди, кузатиб келаётган қўриқчилар эса жиноятчилар билан отишмага киришди.

— Бу жиноят ким томонидан уюштирилганини яхши биламан. Бундан буён мамлакат энергетикаси ислоҳоти муносабати билан демократик кучларни бирлаштириш борасидаги ҳаракатларимни янада кучайтирмоқчиман, — деди Чубайс.

### Тинчликни сақлаш ҳақида келишув

Исроил бош вазири Ариэль Шарон Фаластин ҳарбийлашган гуруҳларининг вақтинча тинчлик сақлаш борасидаги ваъдасини мамнуният билан кутиб олди.

Шароннинг фикрича, ҳарбийлашган гуруҳлар «фаолиятини буткул тўхтатиши керак».

Исроил билан норасмий тинчлик сулҳи тузиш ҳақида Қоҳирада фаластин турли гуруҳларининг вакиллари ўзаро келишиб олишди. Гуруҳ вакилларининг айтишича, улар Исроил ҳарбий амалиётларни тўхтатиши ва маҳбусларни озодликка чиқаришга қарор қилганлари учун тинчлик сулҳини тузишга рози бўлдилар.

### Қўшинлар чиқарилади

БМТ бош котиби Кофи Аннаннинг фикрича, Суриянинг барча қўшинлари май ойида бўлиб ўтадиган сайловларгача Ливандан чиқиб кетади.

Сурия президенти Башар Асад қўшинларни ва махсус хизмат вакилларини олиб чиқиш ҳаракатларининг дастлабки босқичи апрелгача амалга ошишини билдирган.

Терье Роед-Ларсеннинг маълум қилишича, Дамашқ ва Байрут Сурия қўшинлари бутунлай олиб чиқиб кетилишига доир муддатни 7 апрелгача келишиб олишлари керак.

### Сайлов кечиктирилди

Афғонистон президенти Ҳамид Карзай парламент сайловларини ўтказиш муддати кечиктирилиши ҳақида маълум қилди. АҚШнинг давлат котиби Кондолиза Райснинг Афғонистонга ташрифи пайтида бу хусусда фикр билдирди.

Карзайнинг айтишича, май ойига мўлжалланган парламент сайлови техник сабаблар туфайли кечиктирилади. Райс умумий сайлов афғон халқининг демократияга садоқатини кўрсатади деб айтди.

### Ҳукуматни айблади

Япония муҳолифат кучлари Дзюнъитиро Коидзуми бошчилигидаги ҳукуматни барча қўшни мамлакатлар, жумладан Россия билан ҳам алоқалар ёмонлашишига сабаб бўлаётганликда айблади.

— Коидзуми дипломатияси боши берк кўчага кириб қолди, — деди Токиодаги конференцияда Демократик партиянинг парламент сиёсати бўйича қўмитаси раиси Иосио Хатиро. — Япония ёлғизланиб қолди, — деди у.

Айни пайтда Японияning Жанубий Корея ва Хитой билан алоқалари яхши эмаслиги ҳам таъкидланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»И

ўз акциядорлари, мижозларини, барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий қутлайди.

Наврўз табиатнинг уйғониш фасли, умумхалқ байрами, орзу-умидлар рамзи, меҳру-мурувват айёми.
Шу билан бирга, Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиат чексиз саховатининг ёрқин кўринишидир.
Шу боис, халқимиз Наврўзни ўзгача соғинч, ўзгача умид билан кутади.
Зеро, эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги кунда биз ҳам Яратгандан юртимизда ҳамиша тинчлик, ҳар бир хонадонга осойишталик, тотувлик ҳукм суришини, дастурхони тўкин, ризқи бутун бўлишини, фарзандларимиз камоли юксак-юксакларга бўй чўзишини тилаб қоламиз.

Банк жамоаси



## «БЕРЛИНДАГИ ЎЗБЕКИСТОН»

Германия Федератив Республикаси пойтахтидаги Католик академияси биносида таниқли немис сураткаши Катарине Эглаунинг «Буюк Ипак йўли: Берлиндаги Ўзбекистон» деб номланган фотокўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. К. Эглаунинг 2002 йили Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива манзараларини туширган салкам 50 та фотосурати ушбу кўргазмадан жой олди.

Мазкур тадбирнинг очилиш маросими доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданий-маърифий салоҳияти ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мавзуига бағишланган тақдимот ҳам бўлиб ўтди.

Берлин Католик академияси директори С.Шмидт ўз чиқишида Ўзбекистондаги турли миллат ва дин вакиллариаро бирдамлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш мавжуд эканини алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида К. Эглау кўргазмага қўйилган ижод намуналари ҳақида тўхталиб, Ўзбекистоннинг табаррук замини меъморчиликнинг бетакрор кўҳна дурдоналарига бениҳоя бой эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.

**Баҳриддин АСЛАНОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**
*Берлин.*

**Шарҳ**

# ЁНДАШУВЛАР ТУРЛИЧА

Мана бир неча йилдирки, жаҳон оммавий ахборот воситаларида Эроннинг атом энергетикаси дастури атрофидаги шов-шувлар сўнмай келяпти. Аввало шуни айтиш кераккки, бу масалага турли давлатларнинг ёндашувлари турлича. Жумладан, Европадаги аксарият давлатлар Эроннинг бу режасига шубҳа билан қараётганлари йўқ. Чунки Эрондаги иншоот атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭ назорати остида қурилмоқда. Шунга қарамасдан дастур билан боғлиқ шов-шувлар сўнадиган эмас. Шунинг учун ҳам биз ушбу масалада бугунги кунда юзага келган вазият юзасидан фикр билдирмоқчимиз.

Аввало, Эрондаги Бушер атом электр станцияси ҳақида. Бу иншоот Россия ёрдамида қурилмоқда. Биринчи энергоблокнинг ўзида 800 миллион долларлик иш бажарилади. Истиқболда ҳар бири камида бир миллиард долларлик яна бешта энергоблок турибди. Россия юқори технологияга асосланган бундай иншоотлар қуришда Эрондан ташқари Хитой ва Ҳиндистон билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Бироқ негадир асосан Эрондаги объект шубҳа остига олинмоқда. Бу борада ҳатто МАГАТЭнинг ҳакамлиги ҳам эътиборга олинмаяпти.

Бу масалага икки хил ёндашув аслида қурилиш бошланганидан бери давом этиб келмоқда. АҚШ бир неча марта Россияни Бушер атом электр станцияси қурилишида ҳамкорлик қилмасликка даъват этиб, Эрон уни атом бомбаси яратишга йўналтириб юбориши мумкинлигига ишонтиришга ҳаракат қилиб кўрди. Россия бўлса «атом электр станцияси билан атом бомбаси — булар бошқа-бошқа нарсалар» деб ўз муносабатини ўзгартирмаяпти.

Тўғри, Россия катта миқдордаги иқтисодий манфаатдан ҳамда фаолиятлари ана шу мақсадга йўналтирилган қўшма корхоналардаги ўн минглаб ишчи ўринларидан маҳрум бўлишни хоҳламайди. Бу бир ҳақиқат бўлса, иккинчи бир ҳақиқат шуки, дунё сиёсат оламида ўз сўзига эга бўлган давлат ҳеч қачон геосиёсий манфаатдан воз кечмайди. Россия — Эрон ҳамкорлигининг негизида геосиёсий манфаат ҳам ётганлигини унутмаслик керак. МАГАТЭ Бош директори Муҳаммад ал-Барадей илгари ҳам кўп марта таъкидлаб ўтганидек, яқинда ҳам баёнот бериб, Эрон ҳукумати мамлакат ҳудудидаги ядровий иншоотларга назорат ўтказиш учун МАГАТЭ инспекторларини киритишга розилик билдирганлигини айтди.

Шунга қарамасдан ҳамон бу масалага ёндашувлардаги қарама-қаршилик сақланиб турибди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида агар Эрон ўзининг ядровий дастуридан воз кечмаса, АҚШ бу давлатга нисбатан ҳарбий куч ишлатиши мумкинлиги ҳақида мунтазам равишда хабарлар берилмоқда. Жумладан, «Нью-Йоркер» журналида босилган бир шарҳда Сеймур Хирш агар Эронга нисбатан ҳарбий куч ишлатилса, биринчи навбатда мамлакатнинг ядровий иншоотлари, ракета қурилмалари ва бошқа жанговар ҳарбий тузилмалари нишонга олиниши мумкин, деб ёзади. АҚШ президенти Жорж Буш шу йил январь ойида «ЭН-БИ-СИ» телекомпаниясига берган интервьюсида мавжуд муаммони дипломатик йўл билан ҳам ҳал этишга эришиш мумкин, аммо «бошқа усуллар»ни қўллаш имкониятини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак, деб баёнот берди. Буюк Британия, Франция, Германия каби Европадаги етакчи давлатлар эса буборадаги барча муаммоларни дипломатик йўл билан ҳал этиш учун музокара олиб боришмоқда.

Эрон ҳукумати мамлакатда ядро қуроли яратиш устида иш олиб борилаётганлиги тўғрисидаги ҳар қандай даъволарни қатъиятлик билан рад этмоқда. Эрон атом энергетикасидан тинч бунёдкорлик ишларида фойдаланиш ниятида эканлигини билдирмоқда. Мамлакатда электр энергиясига талаб-эҳтиёж катта. Чунки бунёдкорлик ишлари кўлами кенг. Президент Ҳотамий яқинда Венесуэлада расмий ташриф билан бўлганида баёнот бериб, мамлакатнинг атом энергетикасини ривожлантириш дастури тинчлик мақсадларига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Эроннинг юқори мартабали бошқа давлат арбоблари ҳам ана шундай баёнотлар беришмоқда. БМТ, Европа Иттифоқи, МАГАТЭ ва бошқа халқаро доираларда ҳам бу борада Эрон кўрсатаётган қатъиятлик тўғри тушунилиб, қабул қилинмоқда.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**



«ТЎЙТЕПА МЕТАЛЛ ҚУРИЛМАЛАРИ ЗАВОДИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни баҳор ва уйғониш фасли бўлмиш – НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий муборакбод этади!

Хонадонингиздан тўкин-сочинлик аримасин.
Барчангизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилайди.
Қалбингизни баҳор қувончлари асло тарк этмасин.

Юртимизда бунёд этилаётган йирик иншоотлар қурилишига сифатли металл қурилмалари етказиб беришда бундан буён ҳам ўз меҳнатимизни аямаймиз.







BURSEL GROUP

жамоаси

халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораётган
серқуёш Ўзбекистон халқини баҳор ва янгиланиш байрами —
Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.

Ана шу саховатли заминдаги ҳар бир оила ва
хонадонга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, меҳру муҳаббат,
фаровонлик ёр бўлсин.

Компаниямиз жамоаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни
қўллаб-қувватлаб келмоқда. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамда
Япониянинг дунёга машҳур «Мицубиси корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳрида,
пойтахт вилоятининг Чиноз туманида барпо этилган қўшма корхоналар ҳамда Чирчиқ шаҳрида ўзининг
илк фаолиятини бошлаган «Бурсел Тошкент Текстиль МЧЖ» бўяш-пардозлаш ва
тикув фабрикалари ҳам ана шундай дўстона алоқалар самарасидир.
Юксак марраға эришиш учун барча куч ва имкониятга эгамиз.



Биз Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, барчага тинчлик,
фаровонлик, барқарорлик ва дастурхони ҳамиша тўкин бўлишини тилаймиз.

BURSEL GROUP

жамоаси


**Таҳририятимиз меҳмони**

# ОДАМЛАРНИ КУЛДИРИБ ЯШАШ ҲАМ БАХТ

## ДЕЙДИ ТАНИҚЛИ САНЪАТКОР ШУКРУЛЛО ИСРОИЛОВ

**Кулгусевар халқмиз. Тўйу тантаналарда санъаткору қизиқчиларнинг чиқишларини одамлар интиқиб кутиши шундан. Тиббиётчиларнинг айтишича, мириқиб кулган одамнинг умри узаяр экан.**

**Мана, юртимизга Наврўзи олам эшик қоқиб турибди. Биз айём арафасида эл назарига тушган истеъдодли қизиқчи Шукрулло Исроиловни таҳририятимизга таклиф этдик.**

**— Шукрулло ака, бугунги кунда халқ орасида танилдингиз, мухлисларингиз кўп. Умуман, санъат даргоҳига, қизиқчилик оламига қандай кириб келгансиз?**

— Пойтахтнинг Юнусобод туманида туғилганман. Барча тенгдошларим сингари боғчага қатнадим, 96-ўрта мактабда таҳсил олдим. Ҳозир Тошкент Шарқшунослик институтида ўқишни давом эттирмоқдаман.

Оиламиз кичик эди: бувим, ойим, укам ва мен яшардик. Отам 2 яшарлигимда оламдан ўтган. Бувижоним ўта меҳрибон инсон эдилар.

Оиламизда санъаткорлар йўқ. Бироқ маҳалламизда санъаткорлар ва адиблар кўп. Санъатга ихлосим шундан бошланган. Рубоб бўйича мусиқа мактабига қатнаганман.

Бизнинг «Янгиариқ» маҳалласини ҳақиқий санъаткорлар маскани деса бўлади. Яна омадни қарангки, бир ён қўшнимиз машҳур бастакор Тўхтасин Жалилов, адиб Собир Абдулла, Саиджон Калонов, Ғанижон Тошматов, Ойбек, Қуддус Муҳаммадий ва Пўлат Мўминлар ҳам бизнинг кўчамизда яшашган. Ана шу зиёли инсонларнинг тарбиясини олиб улғайдик. Бу инсонларнинг маҳалламиз ёшларига таъсири катта бўлган.

Болалигимда маҳалладошимиз Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад қачон мени кўрса тўхтатиб, юзларимдан чимчилаб: «Бўғирсоқ, ишлар қалай?» дея эркалаб, ҳол-аҳвол сўрардилар. Бу менга хуш ёқарди, ғурурланиб кетардим.

Қизиқчилик оламига кириб келишим ҳам қизиқ бўлган. 1980 йилда қизиқчи Мирзабек Холмедовнинг кассетасини эшитиб кўриб, кўз олдимда гўё янги дунё очилгандай бўлди. Кейинчалик унга эргашиб, қизиқчилик қила бошладим. Одамлар қилиқларимни кўриб кулдилар. Бу менга маъқул тушди, илҳом ва келажакка умид уйғотди. Янги-янги мутойибаларим билан саҳнага чиқа бошладим.

**— Агар сир бўлмаса, айтинг-чи, Сизга латифа матнларини ким ёзиб беради?**

— Ўзим излаб топаман. Тўғри, илгари Саид Аҳмад, Элбек Мусаев, Алп Жамол сингари ёзувчилар қизиқчиларга асарлар ёзиб беришган. Кейинги пайтда, афсуски, бу анъана тўхтаб қолди. Қизиқчи ўзи учун ўзи матн топа билиши зарур. Бунинг учун эса у китоб ва газеталарни эринмай титкилаши, ошна-оғайнилардан, улфатлардан эшитган қизиқарли гапларга «қайта ишлов бериб», сайқаллай билиши лозим. Бу айтишга осон, лекин буни ҳамма қизиқчи ҳам уддалайвермайди.

Бугун, тан олиш керак, худо юқтирган «туғма» қизиқчилар бармоқ билан санарли даражада. Нега? Буни шу соҳанинг машаққатларидан излаш керак. Қизиқчи ҳар куни янги юмор топмаса тамом, уни томошабин саҳнадан ҳайдайди. Яна бир гап, бугунги томошабиннинг талаби кечагисидан фарқ қилади, айтмоқчиманки, тинмай репертуарни янгилаш керак. Қизиқчи саҳнада латифаси билан одамларни бир кулдирса, қилиғи, хатти-ҳаракати билан қирқ бора кулдириши керак.

Мана сизга бир мисол, тўйда хонандадан талаб қилишса, битта қўшиғини 5-6 марталаб айтиши мумкин. Қизиқчи-чи? Бир латифани ким қайта эшитиб куладми? Демак, қизиқчи тинмай изланиши лозим. Ва бу санъатни ривожлантириш учун қизиқчилар ҳажвчи ёзувчилар билан ҳамкорликни тиклаши ва мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайман.



**— Шукур ака, юқоридаги жавобларингиздан англадимки, кулдириш осон эмас? Борди-ю сўзингиздан, ҳаракатингиздан одамлар кулмаса қай аҳволга тушасиз?**

— Кулги ҳам бир дори. У асабни даволайди. Кулдириш учун туғма истеъдод керак. Гап нишонга тегмаса одамлар кулмайди. Дунёда тишининг оқини кўрсатмайдиган одамлар ҳам борлигини унутманг. Уларни кулдириб бўпсиз. Ҳажв бировга тез, бировга эса анча кеч етиб боради.

Ҳаёт қизиқ-да, турфа одамлар томошабинлар ҳам минг хил феъл-атворга эга. Бироқ томошабинни юрак-юракдан кулдира олмасангиз, саҳнани тарк этган маъқул. Мана, 10 йилдан буён саройларда концертлар қўямиз, томошабинлар эса чипта нархига қарамай томошамизга келишади. Ҳатто жой тополмай, тик туриб сўзимизга қулоқ тутадилар, қаҳ-қаҳа отиб кулādилар. Одамларни кулдириб яшаш ҳам бахт, чунки мириқиб кулаётган одамдан бахтли инсон борми?

**— Оилада, умуман ҳаётда қандай инсонлигингиз ҳақида ўзингиз бирор нарса дея оласизми?**

— Мен саҳнада қизиқчиман. Лекин ҳаётда эл қатори одамман, фарзандларим учун эса меҳрибон отаман. Худога минг қатла шукр, 2 ўғил, қизим бор. Улар ҳаётда менга суяниб яшайдилар, ҳамма жойда доим самимий ва хушчақчақ бўлишга ҳаракат қиламан.

**— Хорижда томошалар кўрсатганмисиз?**

— Ҳа, бир неча бор. Жумладан, 2001 ва 2004 йилларда АҚШда томошалар кўрсатганмиз. Улар бизни яхши қабул қилишди. Шунда хурсандчиликдан бошим осмонга етди. Бу йил ўзимнинг яккахон концертимни қўйиш ниятим бор. Бу томоша бутунлай янгича дастур асосида ўтади. Қолаверса, ўзимга ўхшаш «оғир вазнли» 6 нафар йигит ва «сарвиқомат» 6 нафар қизларни йиғиб, гуруҳ тузмоқчиман. Бу гуруҳ халқимизга манзур бўлади деган умиддаман. Ахир «Орзуга айб йўқ», дейдилар-ку. Эзгу ниятим Голливудда комедия жанридаги фильмда суратга, кинотасмага тушиш. Хуллас, хоҳиш кўп. Аммо, улар қай даражада амалга ошишини эса вақт кўрсатади.

**— Юртимизга Наврўз — покланиш ва янгиланиш байрами кириб келмоқда. Кулгисевар халқимизга байрам тилакларингиз?**

— Мусаффолик ва орасталик, нафосат ва гўзаллик байрами — Наврўзи олам муборак бўлсин. Шундай қувончли кунларда халқимизга кулиш, бизга кулдириш насиб этаверсин.

**Суҳбатдош:**
**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**


**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

***2005 йил 19, 22, 26, 29 апрель ва 3, 6, 10, 13, 17, 20, 24, 27, 31 май кунлари аукцион савдоларини ўтказади.***

***Савдоларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:***

*1997 й. и/ч, д/р 10AR 607 бўлган «Дамас СТД».* **Бошланғич нархи — 1 604 967 сўм.**

*1997 й. и/ч, д/р 10AR 590 бўлган «Дамас СТД».* **Бошланғич нархи — 1 604 967 сўм.**

*1997 й. и/ч, д/р 10AR 592 бўлган «Дамас СТД».* **Бошланғич нархи — 1 674 056 сўм.**

*1997 й. и/ч, д/р 10AR 593 бўлган «Дамас СТД».* **Бошланғич нархи — 1 604 967 сўм.**

*1997 й. и/ч, д/р 10AR 604 бўлган «Дамас СТД».* **Бошланғич нархи — 1 777 690 сўм.**

*— 1994 й. и/ч, д/р 10AN 607 бўлган «Москвич ИЖ-2715».* **Бошланғич нархи — 562 220 сўм.**

*Шунингдек, Юнусобод тумани, Муродова кўчаси, 7-уйда жойлашган «8-сонли автосарой» ОАЖнинг 1999 й. и/ч, д/р 10AK 101 бўлган «Нексия» автомобили.* **Бошланғич нархи — 1 745 457 сўм.**

Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «Уйжойжамғармабанк»нинг ТШБ, ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151000l ҳ/рақамига тўлайдилар.

***Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.***

***Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.***

«POYTAXT AUKSION» ДУК 2005 йил 1 ва 4 март кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қуйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:

*С.Раҳимов тумани, Сағбон кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 га. бўлган икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкаси 10 700 000 сўмга;*

*Юнусобод тумани, Юнусобод даҳаси, 18-мавзе, В.Высоцкий кўчасида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 4-сон ер участкаси 5 800 000 сўмга;*

*Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Сўфизода кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган сатҳи 0,012 га. бўлган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи 360 000 сўмга;*

*Транспорт хизматлари сифатини назорат этиш ва мувофиқлаштириш бошқармасининг д/р 10AJ 413 бўлган «Тико» русумли а/воситаси, 2 050 000 сўмга;*

*Давлат ва жамият қурилиши академиясининг қуйидаги а/воситалари:*

*— д/р 10AE 800 бўлган «Нексия» русумли, 3 900 000 сўмга;*

*— д/р 10AG 497 бўлган «Нексия» русумли, 4 100 000 сўмга;*

*«CHINOBOD NEFT BAZASI» унитар корхонасининг қуйидаги а/воситалари:*

*— д/р 10AE 412 бўлган «Газ 31029» русумли, 720 000 сўмга;*

*— д/р 10AP 341 бўлган «ВАЗ 2107» русумли, 730 000 сўмга сотилган.*

**Гувоҳнома № 000815.**


## «ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ

### акциядорлари диққатига!

Хабар тартиб рақами 09

Умумий мажлис тури: Акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси.

Умумий мажлис ўтказилган вақт: 2005 йил 10 март

Умумий мажлис ўтказилган манзил: Жамият маъмурияти биноси.

Умумий мажлисда қатнашганлар: 455119 овозга эга 36 та акциядор.

Кворум даражаси: 82,7%.

Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

*1. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи 455119 овоз билан тасдиқланди.*

*2. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси 455119 овоз билан тасдиқланди.*

*3. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 455119 овоз билан тасдиқланди.*

*4. Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи 455119 овоз билан тасдиқланди.*

*5. 2004 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси 455110 овоз билан тасдиқланди.*

*6. 2005 йилги иш режаси (бизнес плани) 455119 овоз билан тасдиқланди.*

*7. 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 455119 овоз билан тасдиқланди.*

*8. 2005 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «Назар-Аудит» МЧЖ АК 455119 овоз билан тасдиқланди ва аудиторга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори 200000 сўм деб белгиланди.*

*9. «Эски Жува» деҳқон бозори таркибидаги «Кўкча-Оқтепа» бозор шахобчаси ОАЖ «Фарҳод деҳқон бозори» таркибига бириктирилиши 455119 овоз билан маъқулланди.*

*10. Жамият Низомига киритилган ўзгартиришлар 455119 овоз билан тасдиқланди.*

***Хабар тартиб рақами 08.***

*1. Жамият бошқарув раиси этиб Р.Б.Пўлатов 455119 овоз билан тасдиқланди.*

*2. Жамият Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда 455119 овоз билан тасдиқланди:*

*— Иноятов А.М., Ахмедов А., Илхомов Р.А., Ҳакимов Р., Асилов Ю.*

***Хабар тартиб рақами 05.***

*1. Жамиятнинг 2004 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича дивидендлар миқдори 16 сўм 43 тийин деб 455119 овоз билан тасдиқланди. Акциядорларга ҳисобланган дивидендлар 60 кун ичида тўланади.*

# O'ZSANOATQURILISHBANK

*серқуёш Ўзбекистон халқини*
*НАВРЎЗИ ОЛАМ*
*билан самимий табриклайди.*
*Сизларга тинчлик-хотиржамлик,*
*бахт-саодат, сиҳат-саломатлик*
*ҳамиша ёр бўлсин.*
*Халқимизнинг азалий қадриятларига*
*мос бўлган меҳр-мурувват ва оқибат*
*ҳеч биримизни тарк этмасин!*

***Қадимий ва азалий байрамимиз арафасида Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки — «Ўзсаноатқурилишбанк» республикамиз аҳолисига муддатли янги «Наврўз» омонатини таклиф этади.***
***Омонатга пул маблағлари 31 мартгача қадар 2 ой муддатга қабул қилинади.***
***Омонатчи хоҳишига кўра ҳисобланган фоиз даромадини ҳар ой олиши мумкин.***
***Даромад йиллик 30% миқдорида ҳисобланади.***
***Омонатнинг энг кам миқдори — 50 минг сўм.***
***Банк омонатнинг сир сақланишини, ўз мажбуриятларининг бажарилишини кафолатлайди.***

«Ўзсаноатқурилишбанк»даги омонатлар Ўзбекистон Республикаси банкларидаги фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ишончли ҳимояланган.
Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
**136-74-47, 133-34-45, 120-45-76.**

*Хизматлар лицензияланган*

# «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ»
## холдинг компанияси

Азиз юртдошлар! Наврўз айёмингиз муборак бўлсин!
Ҳаммамиз учун муқаддас, бетакрор заминимизга берган меҳримиз, саховатимиз юртимизга файзу барака келтирсин, дастурхонимизни тўкин-сочин қилсин, ҳар бир инсон ўз меҳнатининг роҳатини кўрсин.

**Юртимизда тинчлик, бахт-саодат, ободлик ва фаровонлик ҳукм сурсин. Мамлакатимизда етиштирилаётган сархил мевалар, минг дардга дармон сабзовотлар мўл-кўл бўлсин!**



**Мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, ободончилик, кенг кўламдаги қурилиш ишларига ўзининг сифатли темир-бетон маҳсулотлари билан катта ҳисса қўшиб келаётган**

# «LERMUX»
## масъулияти чекланган жамияти

**халқимизни яшариш, янгиланиш, гўзаллик, нафосат, қут-барака, меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик байрами ҳисобланмиш НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этади.**

**Азал-азалдан орзу-умидлар, эзгу тилаклар рамзи ҳисобланмиш Янги кун — Наврўз барчанинг хонадонига тўкин-сочинлик, фаровонлик, сиҳат-саломатлик, бахт олиб кирсин.**

Мамлакатимиз тинчлиги ва мустақиллиги абадий бўлсин!



**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**

# ЭСКИ ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ ҲАЁТИ





Сирғали Темир-бетон комбинати очиқ акциядорлик жамияти 2004 йил апрель ойида банкрот деб эълон қилинган эди. Ноябрь ойида эса «LERMUX» масъулияти чекланган жамият уни кимошди савдоси орқали сотиб олди. Бугун мамлакатимизда улкан қурилиш, ободончилик ишлари олиб борилаётганлигини ҳисобга олсак, жамият ишлаб чиқарадиган 10 дан ортиқ турдаги — қувурлар, йўлакларга ётқизиладиган бетон қопламалар, симёғочлар, майда тошлар, асфальт, бетон ғиштлар, кўп қаватли уйлар учун плиталар ва бошқа турдаги маҳсулотларга эҳтиёж қай даражада катта эканлиги аён бўлади. Ўтган йилнинг апрель ойидан эски комбинатни ижарага олиб ишлатаётган жамият 2004 йилда мижозлар билан 317 миллион 780 минг сўмлик шартномалар имзолаб маҳсулот тайёрлаб берди.

— Жамиятимиз ҳали тўла қувват билан ишлаётгани йўқ, — дейди бош директор Юсуфхўжа Тешабоев. — Ҳозир фақат 60-70 фоиз имкониятдан фойдаланаяпмиз, холос. 100 фоиз имкониятни ишга солиш учун баъзи таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга оширмоқдамиз. Ҳозирги кунда бу ерда 80 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ойлик иш ҳақи 60-100 минг сўмни ташкил этади. Маҳсулотларимизни чет мамлакатларга ҳам сотишни режалаштираяпмиз. Айни кунларда Қозоғистон ва Афғонистондаги мижозлар билан маҳсулотларимизни сотиш бўйича келишувлар олиб борилаяпти.

— Жамият ўзининг ишларидан ортиб турли хайрия тадбирлари ҳам ўтказиб келмоқда, — дейди жамият таъсисчиси Шукрулло Жўраев. — 2004 йилда Сирғали туманидаги «Баҳор» маҳалласида болалар спорт майдончаси қуриб берилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотганларга, республика Ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда ногиронларга турли ижтимоий кўмаклар, болалар боғчалари ҳамда мактабларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда.

**Беҳзод ШУКУРОВ**





**Суратларда:** жамият таъсисчиси (ўнгдан иккинчи) Шукрулло Жўраев ишчи-ходимлар билан.
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

